O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N

# АЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 5 март, шанба • №19 (11.718) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

**«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар – резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар – захирага бўшатилсин.

2. 1978-1987 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.Обидов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) бир ҳафта муддатда «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан бўшатилган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (И.Эргашев), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларни сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиш, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустаҳкам ҳаётий фазилатларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил қилишни, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни таъминласинлар.

6. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов)га чақирилувчиларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби Р. Мирзаев зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 4 март.



## Бу қўлларга ярашар гулдасталар

**Тошкент вилоятида 8 март — Хотин-қизлар байрами тантанали нишонланмоқда.**

Баҳор — янги умидлар, қанотли орзулар фасли. Баҳор — бахт, бахтиёрлик даракчиси. Баҳор — қалбларда жўшқин туйғулар уйғонадиган давр.

Ҳар баҳорда шундай ажиб ҳолатлар такрорланаверади...

Анъанага кўра, бу йил ҳам хотин-қизлар байрами барча шаҳар ва қишлоқларда тантанали нишонланмоқда. Вилоят аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этувчи хотин-қизлар вакилалари қутлуғ байрамнинг вилоят тантанасида иштирок этгани тўпланишди. Вилоят

(Давоми 2-бетда).

*• Тадбир*

## РАВНАҚ УЧУН РАҚОБАТ КЕРАК

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун семинар машғулоти бўлиб ўтди.**

Унда қўмита фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари хусусида сўз юритилиб, монополияга қарши ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилиги масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, товар бозори, монополиячи, рақобат, ғирром рақобатчилик, битимлар ва шу каби тушунчалар хусусида фикр юритилиб, монополиячи корхоналар фаолиятини тартибга солиш услублари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг йўналишлари борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Семинар иштирокчилари «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Реклама тўғрисида»ги қонунларнинг мақсадлари ва ижроси хусусидаги маърузаларни тинглашди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**

**ВИЛОЯТ** *ҳаёти*

## Маслаҳатчилар танлови

**Келес шаҳарчасида ҳудудлараро маслаҳатчилар кўрик танлови ўтказилди.**

Унда қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилар ҳамда фаол аёллар қатнашди. Тадбирда 12 та маҳалла вакиллари иштирок этиб, Қорасув маҳалласидан Мамлакат Мирзаҳмедова биринчи ўринни эгаллади.

**Даврон АБДУЛЛАЕВ.**

## Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

**Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов номли ширкат хўжалиги боғбон, чорвадор ва механизаторлардан иборат 100 нафар киши учун саёҳат уюштирди.**

Улар уч кун давомида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг жаҳонга машҳур ёдгорлик обидаларини зиёрат қилиб қайтишди. Харажатлар хўжалик ҳисобидан қопланди.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

## Депутат сайловчилар ҳузурида

**Ғазалкент академик лицейида 74-Бўстонлиқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Равшан Охунов ўзига юксак ишонч билдирган туман аҳли билан учрашув ўтказди.**

Эркин тарзда кечган мулоқотда аҳоли вакиллари ўзларини қизиқтирган масала ва муаммолар хусусида шахсий фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Учрашув сўнгида депутатнинг саъй-ҳаракатлари билан «Мадад» суғурта компанияси, «Заковат» жамғармаси ҳамда «Солиқ ва банк ахборотномаси» журнали таҳририяти ҳомийлигида келтирилган 230 жуфт болалар пойабзали, шунингдек, 23 минг дона китоб-дафтар туман мактабларига хайрия сифатида тортиқ этилди.

**Ғ.РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

● Вилоят ҳокимлигида

# Янги режалар белгилаб олинди

**Вилоят ҳокимлигида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши Тошкент вилояти ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу комиссия аъзолари, назорат органлари ходимлари ва бошқарма бошлиқлари иштирок этишди.**

Йиғилишни ҳудудий комиссия раисининг ўринбосари, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи, Мирзоҳид Комилов бошқарди.

Йиғилиш вилоят назорат органлари томонидан 2004 йили ўтказилган текширишларни мувофиқлаштириш якунлари, Юқоричирчиқ туман ҳудудий комиссиясининг текширишлар самарадорлигини ошириш борасидаги фаолияти билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Шунингдек, вилоят ҳудудий комиссиясининг янги аъзолари рўйхати тасдиқланиб, 2005 йилги асосий иш режалари белгилаб олинди.

**Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасида «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишлаб Кенгаш йиғилиши ўтказилди.**

# «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишланди

Унда Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг ўтган йилги фаолияти якуни ва «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботи ҳамда жорий йилда қилиниши лозим бўлган вазифалар тўғрисида маърузалар ўқилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

● Танлов

# «Замона ёшлари»



**Вилоятдаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар талабалари ўртасида ҳар йили «Замона ёшлари» кўрик-танловини ўтказиш анъана тусини олди.**



Ушбу кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад — ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишларини таъминлаш, миллий урф-одатларимизни қадрлаш, олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини теран англашга ўргатиш ва ўзлари танлаган соҳаларда етакчилик қобилиятларини шакллантиришдан иборатдир. Кўрик-танлов шартлари ҳам ана шу мақсадлардан келиб чиқиб белгиланган.

Бу йилги танловнинг дастлабки босқичи вилоятдаги мавжуд 75 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўтказилиб, унда 17 мингдан кўпроқ талаба иштирок этди. Иккинчи босқич мусобақалари, яъни шаҳар ва туман биринчиликлари ғолиблари ҳудудлараро беллашувларга йўлланма олдилар.

Навбатдаги учинчи босқич — ҳудудлараро беллашувларда шаҳар ва туман ғолиблари 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда вилоят босқичига йўлланма олиш учун мусобақалашадилар.

Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида ўтган сўнгги ҳудудлараро беллашувларда бешта жамоа — Оҳангарон, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарлари, Ўртачирчиқ ҳамда Оҳангарон туманлари жамоалари финал босқичга йўлланмани қўлга киритиш учун баҳслашди.

Танловнинг вилоят босқичи Наврўз байрами арафасида якунланади.

**Ўз мухбиримиз.**

***СУРАТЛАРДА:*** *танловдан лавҳалар.*

● Тафсилот

# Эҳтиёткорнинг иши пухта

**Офат юз бермай туриб, унинг олдини олган афзал. Зеро, ҳеч бир мамлакат фавқулодда ҳодисалар келтирадиган офатлардан кафолатланмаган. Жумладан, бизнинг минтақамиз ҳам зилзила, қор ва ер кўчкилари, сел ва сув тошқинлари каби табиий ҳамда техноген вазиятлардан ҳоли эмас.**

Вилоятимиз аҳолиси ўтган йиллар давомида бундай офатларга бир неча бор рўбарў келгани маълум. Масалан, 1988 йилнинг 16 апрелида рўй берган сел натижасида Ангрен дарёси суви кўтарилиб, Пскент туманига катта талофат келтиргани, ўша йилнинг 21 апрелидан 22 апрелига ўтар кечаси Ангрен дарёси ва Тошкент денгизининг қуйи қисмида юз берган сув тошқини Қуйичирчиқ ва Оққўрғон туманларига жиддий зарар етказгани, Жигаристонда бўлиб ўтган йирик кўчки оқибатлари ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

Шу боис бу баҳор-ёз мавсумида юз бериши мумкин бўлган сув тошқини, сел ва кўчкиларнинг олдини олишга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ангрен шаҳрида қўмондон-штаб машқлари ўтказилди. Тадбирда фуқаро муҳофазаси бошқарув органлари, муассасалар, идора ва ташкилотларни юқори тайёргарлик ҳолатига келтириш масалалари кўриб чиқилди. Бундан асосий мақсад аҳоли манзилларини, автомобиль йўлларини табиий офатлардан ҳимоялаш юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришдан иборатдир.

Шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорабоғсой, Тошсой дарёлари қирғоқларини қайта таъмирлаб, Дукентсой сувларини беталофат ўтказиб юбориш, Нишбошсой, тўғон ва сел омборини мустаҳкамлаш, бунинг учун зарур техника ва алоқа воситаларидан унумли фойдаланиш мутасадди раҳбарлар зиммасига юклатилди.

**Азамат СУЮНОВ.**

# Сиз туфайли



## Бу қўлларга ярашар гулдасталар

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова йиғилишни очиб, аёлларни баҳор ва бахт байрами билан қизғин қутлади.

Байрам муносабати билан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, жамоатчилик ишларида фаол қатнашаётган бир гуруҳ хотин-қизлар Тошкент вилояти ҳокимининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Улар орасида Оҳангарон шаҳридаги «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятининг иқтисодчиси Мусфира Ахмедшина, Паркент туманидаги «Паркент» ширкат хўжалигининг сигир соғувчиси Саида Болтаева, Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мавлуда Маҳмудова, Оққўрғон тумани марказий шифохонаси болалар шифокори Роза Усмонова, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрмонтёри Тамара Раҳмонова, Қуйичирчиқ туманидаги «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Лола Қулмуродова ва бошқалар бор.

Иштирокчилар республика санъат усталари концерт дастурини томоша қилиб, байрамни кўнгилли нишонлашди.

***СУРАТЛАРДА:*** *байрам тантаналаридан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД**
**олган суратлар.**

# Маҳалладошларимга таянаман

**Маҳалла катта куч, ҳамжиҳат бўлсак, ҳар қандай оғир юмушни ҳам бемалол бажарамиз. Аҳиллик, меҳр-оқибат бор жойда ҳамиша барака бўлади.**

Қарияларимиз барча ишга бош-қош. Ободончилик ишларига зўр бериб, манзарали-мевали дарахт кўчатлари экяпмиз. Жўрахон Хўжаева оиласига мадад кўрсатишда ҳам саховатпеша одамларнинг ҳиммати қўл келди. Усталар арра-теша, қўшнилари ёғоч-тахта, кўплар эса имкониятларига қараб, сармояси билан боқувчисини йўқотган бу оилага ёрдамга келишди. Кимдир транспортдан кўмаклашиб юборди. Меҳрибон, бир-бирларига ҳамдард қишлоқ аҳли қисқа муддатда Хўжаеваларга икки хонали уй қуриб беришди.

2014 нафар аҳоли истиқомат қилади бизда. Уларнинг 1000 дан зиёди аёллар. 200 та серфарзанд оила бор. «Ибратли келин», «Намунали қайнона», «Энг обод кўча», «Нуфузли оила» каби кўрик-танловлар ўтказиб турамиз. Учрашув, кечалар, баҳс-мунозарали тадбирлар оила тинчлиги, фарзандлар тарбиясига хизмат қилаётир. Тўйларни мазмунли, исрофгарчиликсиз, ихчам ўтказишда ҳам маълум тажрибага эгамиз. Қишлоқ одамларининг, айниқса, аёлларимизнинг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги тўкин ҳаёт, фаровон турмуш омили бўлмоқда.

**Муҳаррам РАЗЗОҚОВА,**
**Бўка туманидаги Янгиобод маҳалла қўмитаси раиси.**

# Оила, Ватан, ҳаёт улуғланади!




● Қариси бор уйнинг париси бор

## Эваралар ардоғида

**Фарзандларим бувилари — Қурбонбуви аямизнинг ҳикояларини жон қулоқлари билан тинглашади.**

— Иккинчи жаҳон уруши ҳали бошланмаган эди, — ҳикоя қилади момомиз, — оиламиз билан Пскентнинг Муротали қишлоғига кўчиб келдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Далварзинга ўтиб жойлашдик. Пахтада ишлаб, ипак қурти ҳам парваришлаганмиз. Далада нуқул хотин-қизлар меҳнат қилишарди. У азоб-уқубатларни айтаверсам — чўпчак. Ярим тунгача сандал атрофида хом кўсак чувирдик. Эрта саҳарда пахтани аравага ортиб олиб кетишарди. Совуқ, изғиринли кунлари калишда лой кечиб, йиғимтеримда қатнашган вақтларимиз кўп бўлган. Боғча, ясли қаёқда эди у пайтда. Болаларимизни беланчакда ухлатиб, далада ишлаганмиз...

Ҳа, онамиз қаҳатчилик, қийинчиликни хўп бошдан кечирганлар. Даладаги буғдойни чигирткалар батамом еб кетган йилни, одамлар очялангоч, оғир кунларга чидаганларини айтиб: «Болаларим, нон азиз неъмат, ушоғи ҳам ерга тушмасин, увол бўлади» деб кўп насиҳат қиладилар. Айниқса, уруш даврлари фронт учун ёғ, гўшт, жун, тери топшириш каби мажбурий солиқлар ҳам халқнинг тинкасини қуритиб юборган экан.

Момомиз 96 ёшдалар, 40 га яқин невара, 24 чевара, 6 эваранинг меҳрибон бувисилар ҳозир. Беш ўғил-қизлари — суянчиқ. Саксонни қоралаб қолган энг катта куёвлари Турғунбой бобо ҳам чорсига у буни тугади-ю, оппоқ соқолларини силабсийпалаб, ҳассани тўқиллатганича, қайнонасини кўргани бу хонадонга келади. Барча қавм-қариндошлар тўпланугудай бўлса тўй, байрам деяверинг хонадонимизда.

Яхши қаримоқликнинг — узоқ умр кўриш, пиру бадавлат яшаш, фарзандлар орзуҳавасидан баҳра олишнинг гашти ўзгача. Буни онамларнинг бугунги ҳаётларида кўраман.

— Ҳамма гап оиладаги тинч-тотувликда, — дейдилар онамлар. Ўзлари биз фарзандлар учун бетакрор намуналар. Ҳамиша ҳаммамизга меҳрибон.

Ҳа, не кунларни кўрди бу момолар, мунис оналаримиз. Бошлари тошдан бўлсин уларнинг. Асрлар гувоҳлик бериб тургандек Қурбонбуви онамизнинг яқин 100 йиллик ҳаёт йўллари эвара-чевараларга ажойиб ибрат. Шу байрам кунлари улар момомизни ёруғ замонлар билан қутлашмоқда.

**Абдурасул ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**тадбиркор.**
**Боғишамол қишлоғи.**

## Аёлни қутлаб

*Қирларда майсалар яшил рўй очар,*
*Илк кўклам гуллари анбар бўй сочар,*
*Тоғлардан шалола шўх-шан куй сочар,*
*Аёлни қутлаб!*

*Март — баҳор. Булбул ҳам кела қолдику,*
*Авж байрам борлигин била қолдику.*
*Булбулга қумри жўр бўла қолдику,*
*Аёлни қутлаб!*

*Эркаклар безовта — минг фикр бошда,*
*Совғанинг ғавғоси кекса-ю ёшда.*
*Бугун дўконларда атир талошда,*
*Аёлни қутлаб!*

*Эркаклар,*
*Огоҳ бўлинг ягона сирдан,*
*Симу зар инъомин ўйламанг бул дам,*
*Гулдаста элтингиз оташ МЕҲРдан,*
*Аёлни қутлаб!*

**Тоҳир ДОЛИЕВ.**

*Фариза ШОКАРИМОВА,*
***Юқоричирчиқ туманидаги «Тахмина» хусусий корхонаси раҳбари:***

— Корхонамиз асосан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Истиқлолимизнинг илк давлариданоқ тадбиркор бўлишни ният қилгандим. Чунки ўша даврда тадбиркор бўлиш учун кенг йўллар очилмоқда эди-да. «Яхши ният — ярим мол» деганлари тўғри экан. Туманимиз марказидаги қаровсиз жойларни олиб, сартарошхона, тикиш-бичиш цехи, кийим-кечакларни кимёвий тозалаш шохобчаси ташкил этдим. Бизда 20 нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз иш билан таъминланган. Меҳр ва мурувват йилида туманимиздаги кам таъминланган оилаларга 400 минг сўм хайрия ёрдами кўрсатдик. «Сиҳат-саломатлик йили»да ҳудудимиздаги болалар учун спорт майдончаси қуриб беришни режалаштирганмиз.

## Нафис ва бежирим

Асл ва сифатли чинни буюмларга ҳамиша талаб катта бўлган. Буни яхши англаган зангиоталик тадбиркор Сарвар Абдуллаев чинни буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди.

Бундан қарийб етти йил олдин олти киши билан иш бошлаган корхонанинг қуввати ҳам, ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг ҳажми ҳам ортиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Ҳозир ишлаб чиқариш билан маҳаллий аҳолининг 20 нафари доимий банд. Уларнинг аксарияти аёллар.



***СУРАТДА:** корхона ишчиси Юлдуз Исроилова.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Дил изҳорлари

*Тамара ОЛЛОЁРОВА,*
***«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси лаборатория ходими:***

— Ҳар бир байрам комбинатимизда шоду хуррамлик билан нишонланади. Дастурхон ёзилиб, ишчилар йираб ўйин-кулгу қиладилар. Бундай хушҳоллик меҳнат унуми кўтарилишига хизмат қилади. Инсон қандайдир эзгуликка интилиб яшайди. Хурсандчилик, тўй қилсам дейди ва шунга эришишга ҳаракат қилади. Айтмоқчиманки, юртимизда ҳар бир байрам ўзига хос тарзда нишонланади. Бу эса халқнинг кўнглини кўтариб, яшашга бўлган умидларини янада учқунлантиради. Баҳорнинг илк байрами — 8 март дилларда иликлик уйғотаверсин.

● Ёшлар ижодиёти

## Ғунча очилгунча

### унга меҳр, алоҳида эътибор ҳамда тўғри парвариш керак бўлади

Икки мингдан зиёд қизларимиз 64 та тўгаракка жам бўлишган. Ашула, рақс, шохи сўзана, зардўзлик, моҳир қўллар, сеҳрли игна, юмшоқ ўйинчоқ, гулчилик, саҳнага йўл...

Мактабимизда ўқувчилар ижодий марказининг 30 дан ортиқ йўналишлар бўйича тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3 мингдан зиёд болалар ўзлари қизиқишган соҳалар бўйича билим ва маҳоратларини ошириб боришяпти. Кўлига игна олиб, сўзана тикаётган, гир айланиб рақсга тушаётган, туваклардa анвойи гуллар ўстираётган бу қизларнинг юзларида жилва, қалбларида касбга меҳрни кўрасиз-у, ижодий марказимиз ходимлари фаолияти замирида нафосат, гўзаллик, истиқболни ҳис этгандай бўласиз. Ким билсин, тўгаракларда таҳсил олаётганларнинг қаторидан машҳур созанда, артист, актёр, моҳир чевар, пазанда, таниқли спортчи, наққошлар етишиб чиқса ажаб эмас.



Туман, вилоят кўрик-танловларида ғолиб чиқиб, республика босқичида қатнашган чевар қизимиз Албина Алмаева 1-ўринга сазовор бўлди. Мадинахон Эрназарова эса консерваторияда ўқимоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод Шаҳноза Шокированинг шеърлар тўплами босмадан чиқди. Шоҳида Ботировадаги санъатга бўлган ҳавас япроқ ёзмоқда.

Қизалоқларимизнинг юракларидаги орзу-ниятлар рўёбга чиқаётир. Тўгарак машғулотларида қатнашиб, мактабни тугатиб кетган минглаб ёшларнинг моҳир қўлларидан ҳеч бўлмаганда ота-онаси, маҳалла-кўй баҳра олмоқда, фойда кўрмоқда. Ўзбекнинг ўзлигини, юртимиз нуфузини, Ватанимиз қудратини келгусида бутун дунёга кўрсатадиганлар ҳам аввало мана шу ёшлар.

**Зоҳидахон СУВОНОВА,**
**Бекобод туманидаги ўқувчилар ижодий марказининг директори.**

**Таҳририятга келаётган хатлар оқими кейинги пайтларда анча кўпайди. Уларда баён этилган дил изҳорлари-ю, турли масалаларга оид фикр-мулоҳазалару, мурожаат ва шикоятлар таҳририят ходимлари ижодий фаолиятининг янада жонланиши ва мавзулар хилма-хиллигига эришишда асосий манба бўлмоқда. Аксарият мактублар изидан бориб, жойлардан жонли мақолалар тайёрланмоқда, баъзилари эса шахсий мулоҳаза тарзида чоп этилмоқда. Қуйида таҳририятга келган мактублардан айримлари билан танишасиз.**

# ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН



*Эътироф*

## Кексаю ёшга ибрат

**Бугунги ёшлар орасида илм ва меҳнатга астойдил интилиб, тинимсиз изланадиганлари талайгина. Бироқ, баъзиларининг ишга муносабати, бир тайинли касбни эгаллаш масаласидаги лоқайдлиги мени ташвишга солади. Аксарият ёшларда эса айрим кексалардаги шижоатнинг учқуни ҳам кўринмайди.**

Ёши етмишдан ошган қибрайлик Карима Абдуллаева ана шундай ёшларга ибрат бўлади, деб ўйлайман. Хўжаликдаги фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган Карима опа кейинчалик бўлим мудири ва бошқа лавозимларда ҳалол меҳнат қилди. Турмуш ўртоғи Обид ака билан саккиз фарзандни вояга етказишди. Бугун улар турли лавозимларда меҳнат қилишмоқда.

Гап шундаки, Карима Абдуллаева нафақада бўлишига қарамай, «Турон» ширкат хўжалигида экология масалалари бўйича барча масъулиятни ўз зиммасига олиб, жамоатчилик асосида иш олиб бормоқда. Ҳудуддаги корхона ва ташкилот, шунингдек, ўқув-тарбия муассасаларида тарғибот ва амалий иш билан мунтазам шуғулланмоқда. Ширкат хўжалиги ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда опанинг ҳиссаси катта.

Маҳалла ва мактаблардаги йиғилишлар Карима опанинг иштирокисиз ўтмайди. Қуйидичикди бўлган оилалардаги муаммолар ҳам у кишининг ҳаётий тажрибасига таяниб ҳал этилади.

Ҳали-ҳамон тиниб-тинчимайдиган ва ҳамиша кимгадир яхшилик қилиш илинжида юрадиган бу аёл нафақат ёшларга, балки, ҳаётидан ноўрин нолиб, турли баҳонаю важларни кўтариб юрганларга шахсий ибрат бўлса ажабмас.

**А. УСМОНОВ,**
**«Турон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.**

*Эътироз*

## Вақтида бошлансайди

**Анчадан буён бир нарсага эътибор бериб юраман. Бирон-бир тадбир ёки йиғилиш йўқки вақтида бошланган бўлса. Яқинда нуфузли бар йиғилишда иштирок этдим.**

Соат 15да бошланиши керак бўлган йиғилиш нақд бир соат кечикса, денг. Раҳбарлардан бири кечикканлиги бунга сабаб бўлди. Асабларим қақшади, шу кунга режалаштирган ишларим остин-устин бўлиб кетди. Фақат мен эмас, ўша йиғилишда иштирок этаётганларнинг ҳаммаси ҳам бу ҳолатдан ранжиди. Кимдир йиғилишдан сўнг етиб бориши керак бўлган жойга кечикишидан, яна кимдир ҳар доим аҳвол шу эканлигидан нолиди.

Кечикиб келган ўша раҳбар эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек, йиғилишни бошлади, бир оғиз узр айтиб қўйишни ўзига эп кўрмади.

Мен эса бутун йиғилиш давомида «бошлиқлар кечикмайди, ушланиб қолади» деган иборани ўзимча мулоҳаза қилиб ўтирдим.

**Абдулла ҚАЮМОВ,**
**Пскент тумани, иқтисодчи.**

*Истеъмолчи*

## Муддати ўтган экан

Яқинда шаҳримиздаги «Давр» хусусий дўконидан сариёғ харид қилган эдим. Эртасига қизимнинг ичи кетиб, касал бўлиб қолди. Шифокорларга кўрсатсам, қизингиз айниган нарса еб қўйган дейишди. Уйга келиб, кеча олган сариёғни қўлимга олдим-у, унда нохуш ҳид борлигини сездим. Дўконга қайтиб боришга эса бетим чидамади.

Бундай вазиятларда қандай йўл тутишим лозим?

**Комила АСАДОВА,**
**Оҳангарон шаҳри.**

* * *

Бу саволга Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Комилжон Шодиметов жавоб беради.

— «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, фуқаролар харид вақтида маҳсулотнинг яроқлилик муддатига эътибор бериши ва сотиб олганликни тасдиқловчи касса чекини олиши лозим. Шунда ҳар қандай вазиятда кишида ўз ҳақини талаб қилиш учун асос бўлади.

Юқоридаги масала бўйича Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан Оҳангарон шаҳридаги «Сетора» хусусий фирмасига қарашли «Давр» дўконида ўтказилган мониторинг жараёнида ҳақиқатдан ҳам яроқлилик муддати 1 йилу 3 ойгача ўтиб кетган ҳар-хил сариёғлар ва маргаринлар сотилаётгани аниқланди. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилганлиги учун Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ушбу хўжалик субъектига нисбатан энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида жарима солинди.

*Акс-садо*

## Айб ўзимизда

**«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 19 февраль сонида «Газета ва газетхон» рукни остида эълон қилинган мақолаларни ўқиб, унда кўтарилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимни йўллашга жазм этдим.**

Сўнгги пайтларда тўй-ҳашам ва маъракаларни ихчамроқ ўтказишга интилаяпмиз-у лекин, баъзи одатларимиз янада серхаржроқ бўлиб бораяпти. Масалан, келинларнинг ҳайит маросимларига барҳам бериш лозим бўлган бир пайтда айримлар унга янгича тус бераётгандек туюлади. Байрам баҳона ёш оила турмушида асқотадиган рўзғор буюмлари совға қилиш балки яхшидир. Ачинарлиси, телевизор, музлатгич, видеоаппаратлардан иборат бу совғалар билан бирга ҳамон қўша-қўша тоғоралар юборилаётгани.

Бу урфга айланиб кетгани, қон-қонимизга сингиб улгургани, шунинг учун йўқ қилиб бўлмаслиги ҳақидаги гапларга мутлақо қўшилмайман. Ёши катталар бундай иллатларнинг олдини олиш ўрнига ўзлари бу ишларга бош-қош бўлаётганлари эса, кечирилмас ҳол.

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ деймизу манманликка, кибру ҳавога берилишни бас қилмаймиз. Кўп нарсаларни кўриб туриб, кўрмасликка оламиз. Бундай сохта урфларга дадил чек қўйиш керак.

**Муҳсим КАРИМОВ,**
**Тошкент шаҳри, ўқитувчи.**



*Уйғониш фасли — баҳор замин узра ўз сепини ёя бошлади. Атроф яшиллик сари юз тутиб, инсонлар қалбидаги эзгулик булоқларининг кўзлари очилмоқда.*

*Муҳаббат, меҳр-оқибат ва садоқат туйғулари элчиси бўлган баҳор бутун борлиқни яшнатмоқда, янгиламоқда.*

**Даврон АҲМАД олган фото-этюд.**

## Шу ҳам хизмат бўлдими?

**Қибрай тумани А. Навоий кўчаси 11-уйда яшовчи М. Реброва таҳририятга мурожаат этиб, Тошкентдаги «Кристалл» кимёвий тозалаш фирмасига пальто ва рўмолларини топширгани, кўрсатилган хизмат сифатсизлиги натижасида тозаланган буюмлари яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини маълум қилди.**

Бу ишни Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси ўрганиб чиқди ва истеъмолчи ҳақ эканлиги аниқланди. Етказилган моддий зарар эса фирма томонидан қопланди.

*Луқма*

## Сабабини тушунмадим

**Ҳар куни Тўйтепадан пойтахтнинг марказига ишга қатнайман. Қўйлиқ бозоригача бир транспортда келаман. Буёғига эса Амир Темур ҳиёбони ва Қўйлиқ оралиғида қатновчи маршрутли таксида етиб оламан. Бу таксиларда йўл ҳақи оддий автобусдан озгина фарқ қилгани учун бўлса керак, ҳамма унга чиқишга ҳаракат қилади.**

Яқинда давлат автокорхоналаридан бирига тегишли ушбу микроавтобус ойналарида ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва эҳтиёт қисмларнинг нархлари кўтарилганлиги муносабати билан йўл ҳақининг ошганлиги ҳақидаги эълон пайдо бўлиб қолди. Шу кундан эътиборан бу таксилардан йўловчилар қадами узилди. Мен ҳам оддий автобусда ишхонага қатнай бошладим. Орадан чамаси йигирма кунлар ўтиб, ҳайдовчилар йўл ҳақи аввалги ҳолига қайтганини айтиб, йўловчиларни чақираётганларини эшитиб қолдим.

Қизиқ, демак, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва эҳтиёт қисмларнинг нархлари ошмаган экан-да? Ёки яна арзонлаштирилдимикин? Хуллас, бу ўзгариш сабабини ҳамон тушунолмаяпман.

**Раҳматжон ҚОДИРОВ.**

*«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар*

## «Сайроқи бедана»

**Газетанинг шу йил 23 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Пскент туманида аҳолига маданий хизмат кўрсатиш ҳамда кутубхона ва клуб муассасаларининг фаолиятидаги жиддий камчиликлар танқид қилинган эди.**

«Ҳақиқатдан ҳам туман кутубхоналари ва клуб муассасаларининг аҳолига хизмат кўрсатиши талаб даражасида эмас, улар фаолиятини ижобий томонга ўзгартириш талаб қилинади, — дейилади вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи М. Абдуназаровнинг таҳририятга йўллаган жавоб хатида. — 7 та кутубхона ва 7 та қишлоқ клуби таъмирга муҳтож, 17 та кутубхона иситилмайди. Маблағ ажратилмаганлиги туфайли 2004 йили маданият муассасалари бинолари таъмирланмади ва жиҳозланмади».

Жавоб хатида маълум қилинишича, мақола вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси кенгашида, Пскент туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг навбатдан ташқари кенгашида муҳокама қилиниб, бўлим бошлиғи И. Эргашев, марказлашган кутубхоналар тармоғи раҳбари З. Рустамова, марказий маданият уйи раҳбари М. Азаматовга ишда йўл қўйган камчиликлари, муассасалар фаолиятини назоратдан четда қолдирганликлари учун ҳайфсан эълон қилинди. Бир қатор маданият ходимлари аҳолига маданий хизмат кўрсатишни режали амалга ошириш хусусида огоҳлантирилди.

Кутубхоналар жамғармасини янги нашр қилинган асарлар билан тўлдириш, туман маданият муассасалари фаолиятини яхшилаш борасида амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланган. Чунончи, «Саховатли қалблар китоблари — кутубхона учун» акциясини ташкил қилиш режалаштирилган. Оммавий-маданий тадбирларни аниқ режа асосида, пухта тайёргарлик билан ўтказиш учун маданият муассасалари раҳбарларига талаб кучайтирилди. «Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси «Сайроқи бедана» мақоласини ўқиб, ўрганиб чиқиб, — дейилади жавоб хати сўнгида, — шаҳар ва туманларда шунга ўхшаш нуқсонлар такрорланмаслиги учун тезкор тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг ижросини таъминлашга киришди».

**Саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати» мухбири Равшан ЁҚУБЖОНОВ тайёрлади.**

• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport •

## МАЙДОНДА ФАҚАТ ҚИЗЛАР

***Мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантириш, хотин-қизларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишлари учун улар жисмоний тарбияга кенгроқ жалб этилмоқда:***

Қибрай туманидаги энергетика касб-ҳунар коллежида яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами ҳамда буюк ва бетакрор шоира Зулфияхоним хотирасига бағишлаб, спартакиада ўтказилди. Мусобақаларда тумандаги касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг ўқувчи қизлари иштирок этдилар. Улар оммавий спортнинг 6 тури — волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка ва енгил атлетика бўйича ўзаро баҳс олиб бордилар.

Спартакиадага қизиқиш катта бўлди. Шу боис, ташаббусимизни барча ўқув муассасалари маъмурияти ва мутасадди ташкилотлар қўллаб-қувватлаб, керакли ёрдамни аямадилар.

Қизиқарли ва муросасиз кечган мусобақалар натижасига кўра, стол тенниси, волейбол, шахмат бўйича ғолибликни Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицей вакиллари қўлга киритишди. Шашка ҳамда енгил атлетика баҳсларида Қибрай молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабалари пешқадамлик қилдилар. Баскетбол ўйинларида биринчилик мусобақа мезбонлари жамоасига насиб этди.

Спартакиаданинг барча ғолиб ҳамда фаол иштирокчиларига ташаббускорларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Шерали ҒАЙРАТОВ.**

## Спортчи муваффақиятининг омили

Тошкент туманида қарийб 20 нафар ўқувчи ўтган 2004 йил давомида турли тоифадаги мусобақаларда спортнинг футбол, баскетбол волейбол ҳамда қўл тўпи ва стол тенниси турлари бўйича мутлақ ғолибликни қўлга киритган эди. 14-умумтаълим мактабида ушбу спортчи ўқувчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси туман бўлими томонидан уларга 2 миллион 800 минг сўмлик спорт анжомларидан иборат совғалар топширилди. Улар орасида спорт кийимлари, каратэ анжомлари, бокс қўлқоплари ва бошқалар бор.

Шунингдек, жамғарманинг вилоят бўлими ҳам ўқувчиларга 100 минг сўмликдан зиёд совғалар топширди.

***СУРАТДА:*** *тақдирлаш маросимидан лавҳа.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



## «ПАХТАКОР» ВА «НЕФТЧИ» МУСОБАҚАЛАРГА ШАЙ

**9 март куни бошланадиган Осиё чемпионлари мусобақасининг биринчи турида «Пахтакор» Сурияда «Ал-Жаиш» жамоаси билан баҳслашади.**

Шу куни «Нефтчи» ўз майдонида Қувайтнинг «Ал-Қувайт» жамоасини қабул қилади. Жавоб учрашувлари 16 март куни ўтказилади.

Осиё чемпионлари мусобақаларига бу икки жамоа яхши тайёргарлик кўрганлиги мухлисларга маълум. Чунки, улар биринчи Тошкент халқаро турнири финалида учрашиб, мукофот жамғармасининг 50 минг АҚШ долларини «Пахтакор», 25 минг АҚШ долларини «Нефтчи» қўлга киритди.

## «СУРХОН» ОЛИЙ ТАБАҚАДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

**Ўзбекистон Футбол федерацияси Термизнинг «Сурхон» жамоасини мамлакат XIV миллий чемпионатининг олий табақа мусобақаларидан четлатиш ҳақида қарор қабул қилди.**

Бунга «Сурхон» жамоасининг мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи бадални ўз вақтида тўламагани сабаб бўлди.

Мамлакат XIV миллий чемпионатида «Сурхон» ўрнини ўтган мавсумда олий табақани тарк этган «Самарқанд-Д» ва «Андижон» жамоалари ўртасида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган учрашув ғолиби қўлга киритади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

## СПОРТ ВА ГЎЗАЛЛИК УЙҒУНЛИГИ

**Бекобод туманида хотин-қизлар ўртасидаги спартакиада мусобақалари давом этмоқда.**

Шу кунга қадар 20дан зиёд маҳаллада мусобақа ғолиблари аниқланди. Янгибозор, Қўрғон, Бўстон, Уяс, Хос, Бобур Мирзо маҳаллаларидаги мусобақалар, айниқса, қизиқарли ўтди.

Ғолибларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорларига ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилиши ҳақида ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.***

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

*1. **«МАЗ-5549»** русумли автомобил, давлат рақами 10 АА 451, техник носоз, **бошланғич нархи — 1 600 000 сўм.***

*2. **«ГАЗ-69»** русумли автомобил, давлат рақами 11 Р 06 78, техник носоз, **бошланғич нархи — 200 000 сўм.***

*3. **«УАЗ-3303002»** русумли автомобил, давлат рақами йўқ, техник носоз, **бошланғич нархи — 100 000 сўм.***

*4. **«ГАЗ-5312»** русумли автомобил, давлат рақами 80 60 ТШР, техник носоз, **бошланғич нархи — 150 000 сўм.***

*5. **«ВАЗ-21033»** русумли автомобил, давлат рақами 30 D 13 76, техник носоз, **бошланғич нархи — 500 000 сўм.***

***Кимошди савдоси 2005 йил 14 март куни соат 11 да ўтказилади.***

*1. **«ЗИЛ-130»** русумли автомобил, давлат рақами 11 F 51 76, техник носоз, **бошланғич нархи — 400 000 сўм.***

***Кимошди савдоси 2005 йил 5 апрель куни соат 11 да Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимида — Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қаватда ўтказилади.***

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлаб, қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент туман ЖИБ судининг биносида ҳар куни соат 9 дан 18 га қадар давом этади. Ариза қабул қилиш кимошди савдоси ўтказиладиган кундан 3 кун олдин тўхтатилади.

***Манзил: Тошкент тумани, К. Ғафуров кўчаси, 10-уй, 1-қават, 5-хона.***

***Маълумот учун телефонлар: 152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.***

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI» МЧЖ**

**Сизларни 2005 йил 5, 12, 19, 26 апрель ва 3, 10, 17, 24, 31 май кунлари соат 12 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Тошкент вилояти ҳокимиятига қарашли «Супер салон» русумли, давлат рақами 10АХ 955, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 4 470 000 сўм.**

**2.** Тошкент вилояти ҳокимиятига қарашли «НЕКСИЯ» русумли, давлат рақами 10ВВ 229, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 2 557 300 сўм.**

**3.** Тошкент вилояти ҳокимиятига қарашли «ГАЗ-3110» русумли, давлат рақами 10ВВ 279, 2000 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 1 862 000 сўм.**

**4.** Тошкент вилояти ҳокимиятига қарашли «ГАЗ-3102311» русумли, давлат рақами 10ВВ 277, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 2 060 000 сўм.**

Шунингдек, 2004 йил 29 декабрда бўлиб ўтган аукцион савдосида сотилган, Паркент тумани, «Заркент» ширкат хўжалигидаги, ҳар бирининг сатҳи 0,06 гектардан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 78.672 сўмдан бўлган 9, 11 ва 13-ер майдонлари савдо натижалари бекор қилингани боис 2005 йил 15 март куни ўтказиладиган аукцион савдоларига қайтадан қўйилганлигини маълум қиламиз.

Ушбу ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин ва автотранспорт воситаси савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Мурожаат учун телефон: 133-28-52, факс: 133-77-18.**

